

# Аудиторская организация ООО "SAMIMIY AUDIT"

Г. Ташкент, Чиланзарский район, проспект Бунёдкор 29, тел: (97) 376-44-41 р/с: 20208000704670677001 в ЧАКБ  
«DAVR BANK» Чиланзарский филиал, МФО 01046, ИНН: 206944438, ОКЭД: 69202

**«HAMRON INVEST» АЖ нинг 2019 йил якуни бўйича тузилган молиявий  
хисоботига ижобий фикр билдирилган**

## АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**«HAMRON INVEST» АЖ  
раҳбариятига**

**Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:**

**МЧЖ «SAMIMIY AUDIT»**

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кўчаси  
29 уй.. тел: +998977485111, +998974405782 Юридик шахсни давлат рўйхатидан  
ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
томонидан 10.01.2008 йилда № 366 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 05.04.2019 йилда берилган  
«Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни ўтказиш  
бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи -серия АФ №  
000766 Лицензияга эга.

Хисоб рақами: Х/р:20208000704670677001, АТБ «Davr-bank» Чилонзор филиали,  
МФО 01046, СТИР: 206944438, ОКЭД: 69202.

Аудиторлик ташкилоти директори: Эгамбердиев Зоҳиджон Зокирович, Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан, 2019 йил 4 октябрда берилган  
№05633-сонли «Аудитор малака сертификати» эга.

**Аудиторлик текшируви утказилаётган корхона туғрисида маълумот:**

**«HAMRON INVEST» АЖ**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яккасарой туман Хокимлиги  
хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси  
томонидан 21.07.2014 йилда № 11-000329 сонли тартиб рақами билан рўйхатдан  
ўтган ва гувоҳнома олган..

Хисоб рақами /р 20210000100543275001, Асакабанк Тошкент шаҳар филиали, МФО  
00416, ИФУТ: 64200 ИНН: 202204584.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, М.Таробий кўчаси, 12-уй.

Корхона раҳбари: Аълаев Акрам Турсунович

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «SAMIMIY AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Эгамбердиев Зоҳиджон Зокирович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 4 октябрда берилган №05633-сонли аудитор малака сертификатига, аудиторлик ташкилоти билан «HAMRON INVEST» АЖ ўртасида 31.07.2020 йилдаги 110/20 сонли шартнома сонли шартномага асосан «HAMRON INVEST» АЖ нинг 01.01.2019 йилдан 31.12.2019 йилгача бўлган даври учун тузилган «Корхона баланси» – форма № 1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» – форма № 2 -шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «HAMRON INVEST» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи «HAMRON INVEST» АЖнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «SAMIMIY AUDIT»  
Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор:



**3.3.Эгамбердиев.**

**Хулоса тузилган сана:**

**17 август 2020 йил**